

## Молик ибн Динорнинг кечаси



08:00 / 10.02.2021 2617

Молик ибн Динорнинг куёви Муғийра ибн Ҳубайб Абу Солиҳ айтади: «Молик ибн Динор вафот этганида у билан бир ҳовлида эдим. Хуфтон намозини у билан бирга ўқидим. Кейин бориб, кийимларимни кийдим. Молик ҳам келгач, унга нон келтиришди. У нондан егач, умридаги охириги намозини ўқиди. Сўнг соқолини тутамлаб, «Аллоҳим! Аввалгию охиригиларни жамлаганингда Молик ибн Динорнинг оқ соқолини жаҳаннамга ҳаром қил», деб дуо қилди. Кейин ухлаб қолибман. Кўзимни очсам, ҳали ҳам оёғини чўзиб, ўша ҳолатида ётар ва тинмай: «Аввалгию охиригиларни жамлаганингда Молик ибн Динорнинг оқ соқолини жаҳаннамга ҳаром қил», дер эди. У тонг отгунча шундай деб ётди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**